O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 11 январь, №11 (3123) Шанба


# «...Безамоқ чоғидир умр дафтарин»

*Мана, янги 2003 йилнинг ҳам 10 куни тарихга айланди. Хўш, бу кунлар қандай ўтди? Юртдошларимиз ҳаётида қандай из қолдирди? Мухбиримиз турли касб эгалари билан шу ҳақда суҳбатлашди:*

**Абдуҳамид МАХСУМОВ, кимё фанлари доктори, профессор:**

– Янги йилни институтимиз фаол бошлади. Ўзингизга маълум, бизда ўқувчи ва талабаларга малакали билим беришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунинг учун бўлса керак, янги йилнинг биринчи кунларидаёқ олий ўқув юртимизда халқаро ўқув ишлари бўйича конференция ўтказилди. Унда МДҲ ва бошқа давлатлардан келган етук олим ва мутахассислар қатнашди. Айни пайтда қўшни давлатлардан келган аспирантларнинг илтимосига биноан, институтимизда уларнинг номзодлик илмий ишларини ҳимоя қилиш масаласи билан шуғулланмоқдамиз.

Биласизми, мен, бутун оилам билам юртимизда яшовчи барча фуқаролар сингари Президентимизнинг янги йил табригини ҳаяжон билан тингладим. Тилагим, уларнинг барчаси ижобат бўлсин!

**Маҳмуджон КОМИЛЖОНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:**

– Мен ишлаётган «Тошкент оқшоми»— «Вечерный Ташкент» газеталарида муҳим янгилик содир бўлди: пойтахт газетаси ҳафтада 5 марта чиқа бошлади. Тошкенту азимда амалга оширилаётган бунёдкорлик иншоотлари, ҳамшаҳарларимизнинг ғайрат ва шижоати ана шундай тезкорликни тақозо этмоқда. Дастлабки 10 кун ичида бу янгилик кўпчиликка маъқул бўлганлиги бизни руҳланиб ишлашга ундамоқда.

**Дилфуза ҒАНИЕВА, ўқитувчи:**

– Ўтган ўн кун асосан таътил кунларига тўғри келди. Мен шу кунларни, таъбир жоиз бўлса, ўқувчиларимизнинг, қолаверса, биз, ўқитувчиларнинг ҳам маънавий ўсиш, бойиш, юксалиш кунлари деб атаган бўлардим. Чунки таътил бўлишига қарамай, мактабларимиз ҳар доимгидан гавжум бўлди. Қуйи синф ўқувчиларини «Арча байрам», музей ва театрларга олиб бориш уюштирилган бўлса, юқори синф ўқувчилари учун «Билимдонлар ва зукколар» мусобақалари, турли фанлар бўйича олимпиадалар ўтказилди. Спорт майдонларимиз ҳам болалар билан гавжум бўлди. Турли қизиқарли спорт ўйинлари, мусобақаларнинг уюштирилиши ўқувчиларимизни мактаб билан янаям боғлаб қўйди. Хуллас, очиғини айтсам, таътил кунлари ҳам бўш куннинг ўзи бўлгани йўқ.

**Абдулла НОРБЕКОВ, ишчи:**

– Янги йилнинг ўтган ўн кунимими? Яхши бошланди. Ойлигимиз ошди (кулади). Болалар, хотиним билан концертга бориб келдик. Айтишади-ку янги йил қандай бошланса, охиригача шу зайлда ўтади, деб. Илоё йилимиз янада фаровонлик олиб келсин.

**Моҳира АБДУСОДИҚОВА, тадбиркор:**

– Авваламбор, барчангизни Янги йил билан муборакбод этаман. Биласизми, янги йил арафасида бир яхши ишга қўл урганман. Рости, битта кичик корхона очиб, халққа хизмат қилсам, деган ниятим бор. Янги йилнинг биринчи кунларида ана шу режамни амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни тайёрладим. Бу йил дастурхонимиз яна ҳам баракали бўлсин.

**Мирза ВАЛИЕВ, пенсионер:**

– Янги йил бошлангандан буён бизда тиним йўқ. Уйимизда ҳам тўс-тўполон. Нимага десангиз, ҳамма фарзанд, невара, чеваралар йиғилишган. Ўзим ҳам уларни роса соғиниб юрувдим. Бошқа пайтлари бировлар ишда, ўқишда, боғчада бўлишади. Ишқилиб, боши омон бўлишсин.

Юртбошимизнинг тан-жони соғ бўлсин. Барака топгур, ўтган йилни бизга атаб «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилувди. Мана янги йил «Обод маҳалла йили» бўлди. Бу жудаям хайрли, савоб иш. Маҳалланг обод бўлса, уйинг, юртинг обод бўлади. Бу йили – қўй йили. Бу жонивор тинчликни, осойишталикни яхши кўради. Илоҳим, шу йили юртимизда тинчлик, фаровонлик йили бўлсин!

Дарҳақиқат, янги йил илк қадамларини қўймоқда. Ким билан суҳбатлашманг, улардаги фикрларнинг ҳар хиллигига қарамай, янги йилга эзгу-ният билан кирганини сезасиз. Кўтаринки кайфият ва порлоқ чеҳралар эса кишини ич-ичидан қувонтиради. Янги йил ҳали ёзилмаган оппоқ қоғозга ўхшайди. Тилагимиз, янги йилда барча пок ниятларимиз ижобат бўлғай!

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Кўкдумалоқ кончилари

Қашқадарё вилоятидаги «Кўкдумалоқ» нефть ва газ қазиб чиқариш кони жамоаси янги йилни кўтаринки кайфиятда бошлади. Мазкур кон ҳудудида 1997 йили қурилиб, фойдаланишга топширилган компрессор станцияси мавжуд. Ана шу замонавий станциянинг асосий вазифаси юқори босимдаги газни ер ости қатламига ҳайдашдан иборатдир. Бу эса узоқ муддат мобайнида қимматбаҳо газ хомашёсини замин қаърида сақлаш ва зарур пайтда ундан фойдаланиш имконини беради. Кейинчалик ушбу бойликдан Қоровулбозор ва Муборакдаги нефтни қайта ишлаш заводларида бензин, керосин, солярка ва газ конденсати ишлаб чиқарилади.



**СУРАТЛАРДА:** ***илғор ишчилар Комил Иброҳимов, Илҳом Эшмуродов ва Икром Эшмуродов; компрессор станциясининг умумий кўриниши.***

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

2003 йил – Обод маҳалла йили

# НАВОИЙОБОД

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бир умр давлат хизматини ўтаган. Бу зот Хуросон подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин ва содиқ сафдоши эди. Навоийнинг маслаҳатлари, подшоҳ сиёсатини белгилаш ва амалга оширишдаги иштироки мамлакатда адолат ва халқпарварлик йўлини ўтказишда катта аҳамиятга эга бўлган.

1482 йилда ёзилган «Вақфиййа» китобида шоир мамлакатнинг ободлиги, элу юрт кўнглининг шодлиги учун нималар қилиниши кераклиги тўғрисида бундай дейди:

***То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас***
***То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас***
***То зулму ситам жониға бедод ўлмас***
***Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.***

Давлат хизматида экан, Навоий ана шу айтилганларга риоя қилиб иш тутди. Бу ҳақда ўша «Вақфиййа» китобида ўқиймиз: «Илигимдан келганча зулм тиғин ушотиб мазлум жароҳатиға интиҳол марҳамин қўйдим. Ва илигимдан келмаганини ул ҳазрат арзига еткурдим.» Маъноси: «Қўлимдан келганича зулм тиғини синдириб ташлаб зулм кўрган бечораларнинг яраларига даво бўлувчи дори-дармонларни қўйдим. Қўлимдан келмаганда эса бу тўғрида подшоҳ ҳазратларига арз қилдим».

Хизмат юмушларини бажарар экан, Навоий бунинг эвазига ҳеч нарса олмас, олмоқни ҳатто ўйламас ҳам эди.

Бу тўғрида шоир «Вақфиййа» китобида ёзади:

***Элдин менга гарчи ғайри заҳмат йўқ эди***
***Айб эрмас агар музд ила миннат йўқ эди.***
***Эл бердилар, аммо менга рағбат йўқ эди***
***Шоҳ давлатидин буларга ҳожат йўқ эди.***

Навоийнинг ўз боғ-роғлари, ерлари, дўконлари бўлган. У деҳқончилик билан шуғулланиб катта даромадлар олган. Шу даромаддан бир кишининг кийимбоши ва тирикчилигига етарли бўлганини ўзига олиб, қолганини подшоҳ хизматига, қўшин харажатларига сарф қилмоқ учун берган, хайру саховат ишларига бағишлаган.

881 ҳижрий йили (мелодий 1476-1477) подшоҳ Ҳусайн Бойқаро Навоийга ҳовли жой қилмоқ учун ер берди. Бу ер Ҳирот шаҳрининг баҳаво жойларида эди.

Навоий шу ернинг ўттиз жериб (тахминан 30 таноб атрофида) майдонини иҳота девори билан ўраб ўртасига бир иморат (уй-жой) бино қилди. Боғча ясаб унга турли дарахтлар экдирди, гулзорлар қилиб гуллар ва райҳонлар ўтқазди.

Девор олинган жойнинг жанубий ва ғарбий томонларининг ўртасида бир эски бино бўлган. У жуда хароб эди. Унинг бир бўлаги айрилиқ туни сингари қоронғу бўлганидан унда ёмонлик бойқушлари ва кўршапалаклар жойлашганлар. Бошқа бўлаги эса айриликқа мубтало бўлганларнинг кўнгли каби бузуқ.

***Йиқиб айвонини сели залолат***
***Ёғиб деворидин гарди маломат***
***Қоронғу саҳни андоқ, шоми дайжур***
***Ки хуршид анга кирса топмағай нур.***

Навоий бу харобахонани буздириб ташлади. Унинг ўрнига бир мадраса солдирди. Мадрасанинг ёнига эса масжид қурдирди. Токим, маҳалла аҳли бу масжидда беш вақт намозини ўқиб, подшоҳ ҳазратнинг дуосига машғул бўлғайлар.

Мадрасанинг тўрига эса қуръон қироат қилмоқ учун гумбаз қурилди. У «Дорул ҳуффоз» деб аталди. Яъни қуръон ўқувчилар уйи. Мадрасага эса «Ихлосия» номи берилган эди.

(Давоми 2-бетда).

# ЙИЛ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Бекободдаги "Ўзметкомбинат" акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йил якунига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда "Ўзметкомбинат" бирлашмасида ўтган 2002 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда 2003 йилда корхонага иккиламчи металл хомашёси етказиб бериш режаси муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда қора ва рангли металл парчаларини йиғиш ва қайта ишлашга топшириш ишлари бир маромда бораётгани боис бекободлик металлурглар ўтган йилги режани ортиғи билан бажарди. Корхонага йил давомида 592 минг 502 тонна хомашё етказиб берилди. Маҳсулот экспорт ҳажми 24 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

2002 йилнинг август ойида қурилиб фойдаланишга топширилган тўртинчи электр печида олиб борилаётган синов ишлари якунланди. Янги технология асосида қурилган мазкур печь бир йўла юз тонна, йилига эса 500 минг тонна пўлат эритиш қувватига эга. Бу — корхона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини икки баравар оширади. Шу боис 2003 йилда иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва қайта ишлашга топшириш режаси ушбу омилни инобатга олиб, 601 минг 980 тонна қилиб белгиланди.

Таъкидландики, ўтган йили қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш режаси бажарилган бўлса-да, мавжуд имкониятлардан тўлиғича фойдаланилмади. Бунга Қашқадарё ва Жиззах вилоятларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳолбуки, ҳар икки вилоятда ҳам иккиламчи хомашё заҳиралари етарли. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида тўпланган металл хомашёсини корхонага етказиб бериш борасида учраб турган муаммолар ҳам корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги қайд этиб ўтилди.

Мажлисда вилоятлар, вазирлик ва идоралар, ҳудудий бошқарув ташкилотлари раҳбарлари эътибори яна бир бор иккиламчи металл парчаларини йиғиш ҳамда қайта ишлашга топшириш жадвалига қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш, жорий йилда корхона тўла қувват билан ишлашини таъминлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

**Лутфулло СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

# Қонунлар — тадбиркорнинг асосий ҳимоячиси

Қай бир дўкон ёки бозорга кирманг, маҳаллий тадбиркорлар меҳнати билан бунёд этилган хилма-хил молларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бежирим этик ва туфлилар, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, қандолат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалигида асқотадиган эҳтиёт қисмлар ва техника турлари пишиқ-пухталиги ҳамда арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеро, қай бир ривожланган мамлакат тарихи ва тажрибасини олиб кўрмайлик, ўша жойда хусусий тадбиркорлик бутун чоралар билан қўллаб-қувватланганлигининг шоҳиди бўламиз.

Бугунги кунда бизнинг мамлакатда ҳам кичик ва ўрта бизнес субектларининг тараққий этиши, унинг гуллаб-яшнаши учун барча имконият эшиклари кенг очиб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йилдаги "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу соҳа одамларининг янада самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратди.

Афсуски, хусусий тадбиркорлик нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини билатуриб айрим мансабдор шахслар томонидан тадбиркорликнинг янада кенг қулоч ёйишига турли-туман тўсиқлар қўйилмоқда.

Вилоят прокуратураси ва унинг жойлардаги идоралари томонидан ана шундай нохуш ҳоллар аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан турли таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Оқолтин туманидаги С.Сиддиқов номли ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган "Жўрахон ота" фермер хўжалиги раҳбари Г.Йўлдошев вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, вилоят нефть маҳсулотлари бошқармасига қарашли Гулистон шаҳар таъминот идораси ҳеч бир сабабсиз унга ёнилғи бермаётганлигини баён қилади. Текшириш чоғида шаҳар нефть маҳсулотлари раҳбарлари, ҳақиқатан ҳам, тўрачилик қилганлиги маълум бўлди. Фермерга 4,1 тонна дизель ёқилғиси ва 4,5 тонна автомобиль ёқилғиси олиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

# Комиссия мажлиси

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг Фуқаролик жамияти тизимларини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича кичик комиссияси мажлиси ўтказилди. У "Жамоат жамғармалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Мажлис қатнашчилари таъкидлашича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кўрсатиб берилган мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқади ҳамда жамоатчилик жамғармалари ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бу тузилмалар ҳуқуқ ва имкониятларини кафолатлашдаги ўрнини оширишга хизмат қилади. Бўлғуси қонун жамоатчилик жамғармаларига молиявий-иқтисодий жиҳатдан ўзини мустаҳкамлаш, тегишли соҳаларда давлат тузилмаларига кучли муқобилга айланиш имконини беради. Қонун жамғармаларни тузиш ва рўйхатга олиш тартиби, уларнинг фаолияти, васийлик кенгаши ва бошқа бошқарув органлари ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Жамоат жамғармалари вакиллари лойиҳа бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, жамғармаларни ривожлантиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни кўрсатиб ўтди, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида гапирди.

Бундан ташқари мажлисда кичик комиссиянинг бошқа тадбирлари билан бир қаторда 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш концепциясини қайта ишлаш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Кичик комиссия мажлисида Олий Мажлис депутатлари, қонун лойиҳаси тузувчилари, олимлар ва мутахассислар ҳамда жамоатчилик жамғармалари вакилларининг катта гуруҳи иштирок этди

**(ЎзА).**

Сўнгги хабарлар

## Халқаро академия доктори

Олис Грециядан Навоий Давлат педагогика институтига хушхабар келди. Унда институтнинг ўзбек адабиёти кафедраси доценти Абдуҳамид Холмуродов Антик дунё халқаро илмий академиясининг доктори фахрий даражасига эришганлиги ёзилганди.

Адабиётшунос олимнинг "Роман ва руҳият", "Муқаддас сўз боқийлиги", "Қисса ва қаҳрамон" сингари монография ва рисолалари, 200 дан зиёд таҳлилга бой илмий-адабий мақолалари жамоатчилик фикрига ҳавола этилган. Халқаро академиянинг фахрий доктори бўлганлиги олимнинг камтарона меҳнатига берилган баҳодир.

**А. ПИРМАТОВ.**

## Боксчиларимиз Австралияда

Маълумки, жорий йилнинг 18 январида Австралиянинг Мелбурн ва Германиянинг Гамбург шаҳарларида профессионал бокс бўйича бир қатор чемпионлик ва рейтинг беллашувлари ўтказилади. Шу куни мамлакатимизнинг тўрт нафар чарм қўлқоп устаси — Артур Григорян, Қувончбек Тайганбоев, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаевлар рейтинг жангларида рингга чиқади.

Артур Германияда беллашса, қолган уч спортчимиз Австралияда куч синашади. Айни пайтда улар Австралияда тайёргарлик машқларини бошлаб юборишди.

**«Туркистон-пресс»**

## Маънавият тарғиботчилари

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Тошкент шаҳри Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорликда ўтказган маънавий-маърифий тадбир ана шундай номланди.

"Обод маҳалла йили" муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этиш, маҳалла тарихи, унинг фидойи кишилари ҳақида ёшларни хабардор қилиш, спорт ва турли тўгараклар ташкил этиш ҳақида сўз борди.

Тадбир сўнггида энг фаол маънавият тарғиботчиси деб топилган ўн нафар юртдошимиз "Маънавият тарғиботчиси" дипломи ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**М. ОХУНОВА.**

# Маҳаллага мурожаат

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши «Обод маҳалла йили» муносабати билан барча маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ижроия муассасалари, нодавлат ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар, кенг жамоатчиликка мурожаат қабул қилди.

Унда ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча, ҳар бир мавзе ва ҳар бир овулни ободонлаштириш, гулзорлар, боғлар барпо этиш, тўй-маросимларни тартибга солиш юзасидан вазифалар ўртага ташланган.

Мурожаатда ҳар бир фуқаро «Обод маҳалла йили» тадбирларида фаол иштирок этишга чақирилган.

**Я.ҚЎЧҚОРОВ.**

"Халқ сўзи" назоратида

# Ёшларга эътибор янада кучайди



«Халқ сўзи» газетасининг 2002 йил 22 ноябрь сонида чоп этилган «Менга нима...» сарлавҳали мақола «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти бўлими Кенгашининг 2002 йил 28 ноябрда ҳаракатнинг барча шаҳар ва туман бўлимлари кенгашлари раислари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган фаоллар йиғилишида муҳокама қилинди. Унда тилга олинган камчиликлар юзасидан фикр юритилиб, зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Режага кўра, «Камолот»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари Кенгашлари қошида 2002 йил 30 ноябрдан бошлаб «Кўмак» телефонлари ташкил этилди. Улар ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 15.00 дан 17.00 гача ишлайди. Мурожаат қилган ёшларга уларнинг қизиқишлари ва муаммоларидан келиб чиққан ҳолда маълумот ва маслаҳатлар, амалий ёрдам бериб борилади.

2002 йил декабрь ойининг 15-санасига қадар «Кўмак» телефонлари орқали вилоят бўйича 11 нафар йигит-қиз мурожаат қилди. Улардан 5 нафари ишга жойлашишда, 3 нафари оилавий шароити оғирлиги, 2 нафари соғлиги ёмонлиги сабабли моддий мадад ва дори-дармон олишда, 1 нафари Болалар уйида тарбиялланганлиги туфайли уйланиши учун ёрдам сўрадилар. Ҳозир ушбу мурожаатлар юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, маҳалла қўмиталари билан биргаликда ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар рўйхатга олинмоқда.

Ҳаракатнинг шаҳар ва туман бўлимларига ишсиз ёшларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини ечиш вазифаси топширилди.

Ўтган йили ҳаракатнинг шаҳар ва туман бўлимлари Кенгашлари, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда 26 маротаба «Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси» ўтказилди. Бу жараёнда 30 ёшгача бўлган ёшлардан 13379 нафари рўйхатга олинган, 9931 нафари ишга жойлаштирилган. Шунингдек, вояга етмаган ўсмирлардан 523 киши ишга жойлаштирилган. 78 нафари касбга йўналтирилган, 508 нафари квота иш ўринларига юборилган.

**Д.АЛЛАЕВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қашқадарё вилояти бўлими кенгаши раиси.**




# Сизни халқ таълими вазири эшитади

**Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!**

Шу йил 17 январь, жума куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой ЖЎРАЕВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.

Агар Сизни мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улуғвор вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги, бу борадаги янгиликлар, муаммолар қизиқтирса, шу соҳадаги ишларни янада яхшилашга оид таклиф ҳамда мулоҳазаларингизни айтишни истасангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.

139-42-14, 139-19-59.

**Мабодо, вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача бевосита 133-38-01, 133-10-17 рақамли телефонлар орқали ёки 133-71-07, 133-57-34, 139-11-73 рақамли факс орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Бевосита мулоқотга марҳамат.**

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

# МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Ватан туйғуси инсонга оила жипслиги, маҳалла ҳамжиҳатлиги, она замин меҳри билан бирга сингади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган мустақиллик дунёқарашини шакллантириш йўлидаги ишлар жамиятимиз аъзоларида она-Ватанга меҳр муҳаббат, унинг келажагига ишонч, ўз тақдири учун хотиржамлик туйғусини тарбиялашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари доимий равишда такомиллашиб, ўз таркибини жаҳон андозалари даражасига мослаб бормоқда. Президентимизнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш борасидаги тадбирлар мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида, амалга оширилиши мумкин бўлган жанговар операцияларнинг таркиби ва йўналиши, хусусияти ва мазмунини, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоқда».

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 11 йиллик байрами арафасида Республикамизда «Ватанпарварлик ойлиги» эълон қилинди. Баъзи кишиларга «Ватанпарварлик ойлиги» деган сўз эриш туюлиши мумкин. Чунки шунга ўхшаш «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» деган сўзларни эшитганда, «Нима, биз бир ой ватанпарвар бўламиз, бир ой ёнғинга қарши курашамиз, бир ой ҳаракат хавфсизлигини таъминлаймиз холосми, қолган ойларда шундай бўлмасак ёки шундай қилмасак ҳам бўлаверадими?» деган сўроқ-саволлар унинг хаёлини забт этиши мумкин. Эҳтимол, ушбу тафаккур инерцияси туфайли ўзимиз ўрганиб қолган иш услубларидан воз кечолмаётгандирмиз, эҳтимол, алоҳида ойда алоҳида ижтимоий фаолият турини режалаштириб, мақсадли амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Иккинчи фараз бирмунча ишонарлироқ туюлади, чунки аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият йўл-йўлакай амалга оширилган фаолиятга нисбатан кўпроқ самара беради.



Айни пайтда юртимиздаги барча ҳарбий қисмлар, меҳнат ва жамоат ташкилотларида Қуролли Кучларимизнинг 11 йиллик байрамини муносиб нишонлаш қизғин паллага кирган. Махсус тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, учрашувлар, «очиқ эшиклар» кунлари, ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг ота-оналарини хизмат шароити билан таништириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Фарғона вилоятидаги солиқ коллежи Тошкент ва Бухоро солиқ коллежлари қатори республикамиздаги шундай ўрта махсус ўқув юртларидан ўзининг ҳарбийлашган мақомга эгалиги билан фарқ қилади. Солиқ коллежларида талабалар, яъни курсантлар билим олиш билан бир вақтда, ҳарбий хизматни ҳам ўтайдилар. Шунинг учун ҳам улар уч йиллик ўқиш даврида тўла давлат таъминотида бўлиб, бепул ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва стипендия билан таъминланадилар.

«Ватан ҳимоячилари куни» даврида коллежнинг барча босқич курсантлари амалиётда бўладилар. Шунинг учун бу ерда байрамни нишонлашга анча эрта киришилиб, ҳозирга қадар қатор ишлар амалга оширилди. 2002 йил 14 декабрь куни коллежнинг биринчи босқич курсантлари «Солиқчи қасамёди» қабул қилишди. Тантанага Қиргули туман ҳокимияти, туман мудофаа ва ички ишлар бўлимлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда курсантларнинг ота-оналари ташриф буюришди. «Очиқ эшиклар куни» мақомида ўтказилган тантанада ота-оналар, курсантларнинг опа-сингил, ака-укалари, ёр-биродарлари коллеждаги ўқув, яшаш шароитлари билан танишдилар, гуруҳ ота-оналар йиғилишларида иштирок этиб, ўз фарзандларининг ўқиш ва хизмат жараёнидаги хулқ атворлари ҳақидаги коллеж ўқитувчи-тарбиячиларининг фикр-мулоҳазаларини эшитдилар. Шу куни ўқиш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган курсантлар тақдирланиб, уларнинг фаолиятига баҳо берилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз томонидан таклиф қилинган ва Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (янги таҳрирда) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳар бир ота-она томонидан қувонч билан кутиб олинди. Коллеж ўқитувчилари, ҳарбий хизмат тайёргарлиги ходимлари ва курсантлари қонун мазмунини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва унинг моҳият мазмунини тушунтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. «Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари — миллий хавфсизлик ва суверенитет кафолати» мавзусидаги суҳбатлар, вилоят телевидениесида уюштирилаётган кўрсатувлар, фахрийлар билан учрашувлар, курсант-бадиий ҳаваскорлар иштирокидаги концертлар, хотира майдонларини ободонлаштириш мақсадида уюштирилаётган ҳашарлар, фотокўргазмалар, спортнинг турли йўналишларида ўтказилаётган мусобақалар ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб тадбирлар Ватанимиз ҳимоячиларининг содиқ ва жасур бўлиб тарбия топишларида муҳим аҳамият касб этмоғи табиий.

**Зиёд ҚУРБОНОВ,**
**Фарғона вилоятидаги солиқ коллежи бошлиғи.**

# НАВОИЙОБОД

(Давоми. Боши 1-бетда).

Навоий яна «Ихлосия» мадрасасининг қаршисида бир хонақоҳ ҳам қурдирди. Хонақоҳнинг жануб томонида эса гумбаз бино қилдирди.

Бу маҳаллада яшовчи халқ кўп ва зич эди. Илгари халқ жума намозини ўқимоқ учун жомеъ масжидига борар эдилар. Ора узоқ, йўл эса қишда совуқ, лой, ёзда эса иссиқ ва чанг бўлар эди. Энди эса хонақоҳ ва гумбазда бемалол жума намозини ўқийдиган бўлиб шод ва масрур эдилар. «Ихлосия» мадрасаси ёнидаги бу хонақоҳга «Халосия» деб ном берилди.

Навоий ўз мулкидан тушадиган даромаддан бу мадраса ва хонақоҳда яшовчиларнинг таъминоти, овқати, кийимбоши учун етарли маблағ ажратди.

«Ихлосия» мадрасасининг шарқий ва жанубий суффасида икки мударрас (ўқитувчи) фиқҳ (қонуншунослик) ва ҳадис (Муҳаммад пайғамбар сўзлари) илмидан дарс ўтар эдилар. Ҳар халқада ўн биттадан толиби илм (ўқувчи ёшлар) ўқир эдилар.

Мударрисларнинг ҳар бирига йилига бир минг икки юз олтин накд пул тўланади. Яна уларнинг ҳар бирига йигирма тўрт юк дон, унинг учдан бири арпа, учдан иккисига эса буғдой берилади. Йигирма икки ўқувчидан олтита аъло ўқувчига ҳар бирига ойда йигирма тўрт олтин накд пул, яна йилда беш юк буғдой берилади. Ўрта ўқувчига улар саккизта, ҳар бирига ойда ўн олти олтин накд пул, йилига тўрт юк буғдой: қуйи ўқийдиган саккиз ўқувчидан ҳар бирига ойда ўн икки олтин накд пул, йилига уч юк ошлиғ берилади.

Навоий ўзининг «Вақфиййа» китобида мадраса, хонақоҳ ва бошқа барпо этилган биноларни сақлаш, улардан фойдаланмоқ учун зарур нарсаларни сотиб олмоқ, уларда хизмат қилувчи ходимларнинг иш ҳақи ва эҳтиёжларини қопламоқ учун, яна хайру саховатга оид ишларни амалга оширмоқ учун сарф этиладиган барча маблағларни бирма-бир кўрсатган. Уларнинг ҳаммасини ўзига қарашли мулк даромадидан тўла ажратиб берган. Уларни вақф ҳужжатлари билан расмийлаштириб қўйган.

Кўриниб турибдики, Навоийга қурилиш учун ажратилган ер гарчи хушҳаво ва яхши жойдан бўлса-да, бу жой ташландиқ ва хароб аҳволда эди. Навоий уни обод қилди. Уй-жой, мадраса, масжид, хонақоҳ ва гумбазлар қурди. Уларни барча керакли нарсалар билан таъминлади. Ўша маҳалла халқининг оғирини енгил қилди.

Яна Навоий «Вақфиййа»да ёзадики, барча одамлар биргалашиб бу жойларни обод ва кўркам сақласинлар. Масалан, қишда қорни кураганда ҳамма ходимлар, қорилар ҳам фаррош ва табақчиларга ёрдамлашсинлар. Ариқларни тозалаганда ҳамма ишлаб балчиқ ва қумни ариқ ёқасига йиғиб қўйсинлар. Сўнгра эса мутавалли мардикор ёллаб, уларни бу ердан олдирсин.

Мадраса ва хонақоҳ ўртасига тош терилган йўл қурилган. Йўл бузулгудек бўлса, йилдан йилга тузатиб турилсин. Токим кишиларга бориш-келиш мушкул бўлмасин.

Алишер Навоийнинг ўз маҳалласида бино қилган иморатлари, боғу гулзорлари эл жонига оро берди, маҳалла халқининг эзгу тилакларини амалга оширди, илгари хароб ва носоз бўлган жойларни обод қилган шоирнинг номи билан бу жойларни Навоийобод деб атасак бўлар.

Бу ишлар Навоийнинг элпарварлик фаолиятидан бир лавҳагина холос.

Навоий ўз эзгу амалларининг муттасил давом этмоғини истар эди. Уларнинг режасини Навоий «Вақфиййа» асарида бирма-бир тузиб чиққан. Навоий ўз кўрсатмаларини изчил бажарувчиларга раҳматлар айтади, уни бузувчиларнинг эса Ҳақ қаҳрига учражагидан огоҳлантиради.

***Бу қоидани кимки тузар бор бўлсин.***
***Тангри бори ҳолатда анга ёр бўлсин.***
***Ким бузса бузуқлиққа сазовор бўлсин***
***Ҳақ лаънату қаҳриға гирифтор бўлсин.***

**Азиз ҚАЮМОВ.**

## “Ўктамбанк”нинг мини банки

Қаршида “Ўктамбанк” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банкининг мини банки очилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида очилган ушбу банк тез орада ўз мижозларига эга бўлди. Мақсад, мини банкни кенгайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада оширишдир.

**Н. РАВШАНОВ.**

Таътил кунларида

## Байрам шукуҳи

Боғишамол туманидаги 24-мактабда арча атрофига билим даргоҳида таътил олаётган 2300 дан ортиқ ўқувчигина эмас, уларнинг ота-оналари, собиқ ўқувчилар ҳам жам бўлишди. Устозлар, меҳмонлар янги йил тилакларини билдиришди.

— Нафақат Арча байрами, қишки таътил кунлари ҳам ўқувчиларимиз учун мароқли ўтаяпти, — дейди мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Сожида Акрамова. — Айнан таътил кунлари ўқувчилар Боғишамол туман ҳокимлиги томонидан Самарқанд Туризм коллежида ташкил этилган арча томошаларида иштирок этишди. Кейин ўқитувчиларимиз раҳбарлигида Самарқанднинг қадимий осори-атиқаларини томоша қилиш уюштирилди.

— Тарих фанига ниҳоятда қизиқаман, — дейди 8-синф ўқувчиси Жамшид Набиев. —Ҳар гал қўҳна Регистонга борганимда, Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасаларини томоша қилганимда миллатимиз тарихининг ниҳоят чуқур эканини ўйлайман. Улар ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат қиламан. Бу гал синфдошларим билан ўтмишимиз ҳақида, шаҳримиздаги осори-атиқалар ҳақида баҳслашдик, бир-биримиздан кўп нарсаларни ўргандик.

Яна бир аҳамиятли томони, айнан шу мактабда «Умид ниҳоллари» ўйинлари вилоят босқичининг қўл тўпи турининг ўтаётганлиги диққатга сазовор. Таътил давомида ўқувчилар ана шу баҳсларнинг ҳам гувоҳи бўлишаяпти. Уларда қатнашиш шарафига муяссар бўлган мактабдошларини қўллаб-қувватлашаяпти.

Қисқаси, Самарқанд шаҳридаги ҳар бир мактаб ўқувчиси қишки таътил кунларини мароқли ўтказишаяпти. Шаҳарнинг турли масканларидаги арча атрофида ўйин-кулгилар ҳамон давом этмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қонунлар — тадбиркорнинг асосий ҳимоячиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гулистон шаҳридаги “Азиз” кафесида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи И.Ҳамидовга 24 та ўриндиққа 255,6 минг сўм солиқ тўламагани учун шаҳар солиқ инспекцияси юз фоиз жарима ундириш ҳақида қарор қабул қилди. Шаҳар прокуратураси бу баҳсни атрофлича ўрганиш пайтида тадбиркор солиқ идорасига ўриндиқлар сони кўпайганлиги тўғрисида ёзма равишда хабар берганлиги, аммо мана шу маълумотнома солиқ идораси раҳбарлари томонидан эътиборга олинмаганлиги маълум бўлди. Қолаверса, солиқчилар бир кунлик савдо пулини аниқламасдан туриб даромадни атайлаб ошириб кўрсатишган. Гулистон шаҳар прокуратураси бу ноқонуний қарорни бекор қилиш тўғрисида протест киритди.

Гулистон туман прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш чоғида “Ўринқул ота” фермер хўжалигининг ер майдони туман машина-трактор парки тракторчилари томонидан сифатсиз тайёрланганлиги аниқланиб, етказилган 58350 сўм миқдоридаги моддий зарар тўлиқ ундириб олинди. Тракторчиларга жарима солинди. Фермер хўжалиги раҳбари туман фуқаролик суди чиқарган қарордан тўлиқ рози бўлди.

Ховос туман прокуратураси “Фарҳод” ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган “Қуддус” ва “Жумақоплон” фермер хўжаликлари 2002 йил пахта ҳосили етиштириши учун туман “Қишлоқхўжаликкимё” филиалидан маҳсулот берилмаётганлиги ҳақидаги аризани текшириш чоғида қуйидаги далилларни аниқлади. Таъминот идораси фермерларнинг бир неча бор оғзаки ва ёзма мурожаатларини эътиборсиз қолдирган. Оқибатда экинлар ривожи кечиккан. Туман прокуратураси аралашуви билан ҳар икки фермер хўжалигига 3 тоннадан селитра олиб берилган.

Мирзаобод туман прокуратураси Оқолтин ширкат хўжалигида жойлашган “Юлдуз” фермер хўжалиги раҳбарининг ёзма шикоятини текшириш чоғида фермер хўжалиги билан “Гулистонсут” ҳиссадорлик жамияти ўртасида тузилган шартнома шартлари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Фермер хўжалиги 1999 йил 4 январь куни “Гулистонсут” ҳиссадорлик жамияти билан бир йил ичида 10 тонна сут етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолаган. Тадбиркор ўз ваъдасининг устидан чиқиб, шартномада кўрсатилган маҳсулотни тўлиқ етказиб беради. Аммо икки йил ичида у 174 минг сўмдан кўпроқ маҳсулот ҳақини ололмай овораю сарсон бўлади. Натижада “Юлдуз” фермер хўжалиги ҳисобида салкам 160 минг сўмдан иборат муддати ўтган дебиторлик қарзлари пайдо бўлди. Туман прокуратураси ҳиссадорлик жамиятидан фермер хўжалиги фойдасига ана шу қарзни ундириш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Сирдарё нефть базаси бош муҳандиси У.Раимбердиевнинг хурмача қилиғи эса бошқа қонунбузарларникидан ҳам ўтиб тушди. У тумандаги “Эгам” фермер хўжалиги номига 2001 йил июль ойида жами 398109 сўмлик 4735 килограмм дизел ёқилғиларини ҳужжатлаштириб бу маҳсулотларни номаълум шахсларга пуллаб юборади. Тадбиркорларнинг нонини туя қилишдан қаноат қилмаган бу мансабдор шахс устидан жиноий иш қўзғатилди. Бировнинг ҳақидан чўчимаган бу шахс бугунги кунда суд қаршисида қилмишларини гапириб беряпти. Сирдарё туман прокуратураси ушбу нефть маҳсулотлари базаси томонидан 2001 йил давомида кўплаб фермер хўжаликларнинг нонини туя қилинганлигини аниқлади. Натижада яна шу корхонанинг қатор мансабдор шахслари устидан жиноий ишлар қўзғатилди.

Яқинда бир тадбиркор ҳузуримизга келиб ўзининг қонуний талаби туман раҳбарлари томонидан икки йилдан буён инобатга олинмаётганлиги тўғрисида шикоят қилди. Биз ундан нега прокуратура идораларига эртароқ учрашмаганлигини сўраганимизда “Катталарнинг инсофга келиб қолишини кутдим...” деган жавобни эшитдик. Афсуслар бўлсинки, замонавий тўралар, оз бўлса-да, ҳали-ҳамон жамиятимизда учраб турибди. Агар улар инсоф ва адолат мезонига амал қилиб ишлаганларида эди, тадбиркорлик фаолияти бугунги кунга қараганда ҳам яхшироқ ривожланган, элимиз маъмурчилиги ҳозиргига қараганда янада яхшироқ таъминланган бўлар эди.

Бугунги давр, бугунги замон ҳар бир тадбиркордан қонун талаби билан фаолият юритишни, ана шу қонунни қалқон қилишдан чўчимасликни талаб этади. Юзхотирчилик, амалдор шахслар соясига салом бериш, аввало, унинг ўзига, қолаверса, жамият ривожига катта зарар эканлигини улар унутмасликлари керак. Тадбиркор нафақат арзон, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, балки қонуний талаб қилишни ҳам ўрнига қўядиган замон келди.

**Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Сирдарё вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.**



## Сифатли маҳсулот ҳаммага ёқади

*«Косонсой пойабзал фабрикаси» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган болалар оёқ кийимлари харидорларга манзур бўлмоқда. Чунки улар бежирим ва сифатлидир.*

*Янги йилда бу жамоа аҳли 360 минг жуфт пойабзал тайёрлаб, ички бозоримизни ўз маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳисса қўшишга аҳд қилишган. Ушбу ният албатта ушалади. Ишчи-хизматчиларнинг ғайрат-шижоати шундан далолат бермоқда.*

**СУРАТДА:** ***ишчи Манзура Аҳмаджонова.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Мулоҳаза

# МИСҚОЛЛАБ ЙИҒИБ,

*Тўйларимиз ҳақида фикр юритганда, уларнинг қай тариқа шаклланганлиги, унга қандай омиллар таъсир этганлиги, қандай қилиб бугунги кўринишига келиб қолганлиги хусусида беихтиёр ўйга толамиз. Тўйларимизнинг қай даража қадрият, урф-одат ёки анъаналиги, уларнинг қувончми ёки ташвиш, мажбуриятми ёки завқли заруратлиги хусусида иккиланиб қоламиз. Шитобли замон ўзгариши жараёнларида оилавий маросимлар, айниқса, тўйларнинг ўрни ва аҳамияти қандай бўлмоғи лозим? Бу каби саволлар анчадан бери жамоатчиликни ўйлантирмоқда, шу мавзуда оқилона ечимларга келиш заруратини кун тартибига қўймоқда.*

*Табиийки, тўйларимизнинг бугунги шаклга келишида халқ тажрибаси, ўз яқинларига, қавм-қариндошларига муносабати катта роль ўйнаган. Айни чоғда миллий анъаналаримиз, халқимиз эътиқод қўйган диний қарашлар ҳам ўз таъсирини қолдирган.*

*Биз бугунги кунда тўйларнинг жамоатчилик фикрини ўзига қаратаётган муҳим жиҳати — ижтимоий-иқтисодий томонларига тўхталмоқчимиз.*

1998 йил 28 октябрда Президентимизнинг тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Тўйларни ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш учун ҳукуматимиз ва жамоатчилик муайян саъйи-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан,Президентимиз бу масалада жиддий ташвишда эканликларини шундай ифодаладилар: «Ёдингизда бўлса, биз бундан уч-тўрт йил аввал бу борада махсус бир қарор ҳам қабул қилган эдик... Бу қарор эълон қилингач, жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари бироз тартибга тушгандек бўлди. Бироқ, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди».

Тўйларни ўтказишни қийинлаштирувчи бир қатор удумлар мавжудки, қалин, маҳр шулар жумласидандир. Қалин, маҳр бир неча асрлардан буён мавжуд. Ўтмишда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулвоҳид Мунзим, Абдулло Авлоний каби халқимизнинг жонкуяр фарзандлари ҳам бу борада ўз фикрларини баён этганлар. Жумладан, Абдурауф Фитрат: « Бизнинг мамлакатимизда тўй кўп зарарларга сабаб бўлган ҳоллари мавжуд. Бухорода шундай одамлар борки, ўн-ўн икки йил давомида беш олти минг сўм маблағни зўр бериб йиғадилар, бир ҳафта ичида ҳаммасини «тўй» номи билан нобуд қиладилар», дейди. Бундан юз йил олдин айтилган фикрни ҳозирги кунимиз билан солиштириб кўринг!

Бугунги тўйларимизга таъсир қилаётган омил, янгича анъаналар ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Кейинги юз йил давомида Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида ўзига хос ўзгаришлар юз берди. Тўй даврасига келин, куёв, қариндош-уруғ, дўст-ёр, тенгдошлар, синфдошлар, курсдошлар, ҳамкасабалар, борингки, кўнгил етар кишилар чақириладиган бўлди. Албатта, бу жараёнлар аста-секинлик билан вужудга келди. Оқибатда тўйларда меҳмонлар сони ошди, бу ҳодиса эса халқимизнинг бағри кенглиги, ҳотамтойлиги билан хаспўшланди. Кузатишлар шундан гувоҳлик берадики, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида 2000 йилда ўтказилган тўйларда меҳмонлар сони ўртача 600-700 кишини ташкил қилди. Айни пайтда Ўзбекистонда яшовчи русийзабон ватандошларимиз тўйларида анча кам киши қатнашади. Хўш, бизнинг халқимиз ўтказадиган тўйларда нега бунча одам кўп? Аслида қадимда тўйларимизга қариндошлардан ташқари маҳалла оқсоқоллари ҳамда кўзга кўринган кексалар иштирок этганлар, холос. Никоҳ маросими тантанасида уларнинг иштирок этиши рамзий аҳамият касб этган. Кексалар ушбу никоҳ ҳақида жамоага хабар етказсалар, маҳалла оқсоқоли янги оиланинг келгусидаги турмуш бирлиги, низоларни ечишида уларнинг ота-оналари, оиласидаги тарбия, турмуши, аҳволи билан яқиндан танишган.

Айни пайтда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида тўй тадбирлари алоҳида маросимларга айланиб бормоқда. Жумладан: «Оқлик олиш», «Нон синдириш», «Фотиҳа тўйи», «Сабзи тўғрар», «Қиз оши», «Қизлар мажлиси», «Никоҳ қайд қилинадиган сўнгги зиёфат», «Жомма пўшон», «Тўй базми», «Падар оши», «Келин фуророн», «Чарлар», «Йўқлов», «Жой йиғди», «Келинталбон», «Қуда чақириқ», «Ҳайит йўқлови» ва бошқа шу каби тадбирлар ана шулар жумласидандир.

Икки ёшнинг бахт-саодати тўйга одамлар тўпланиши, гуруч дамланиши, тоғоралару ноғорачилар сонига боғлиқ бўлса, унда бошқа гап эди. Аммо фарзандларимизнинг бахти бу билан ўлчанмайди. Уларнинг саодати соғлиги, ақл-заковати, касбига бўлган меҳри, уй-жойи, фарзандлари, хулқ-атвори билан боғлиқ. Ҳозирги тўйларимиз эса ёшларнинг висол оқшоми эмас, кўпроқ ота-оналарнинг нуфуз байрамига ўхшаб кетяпти. Бир дўстимиз тўйларимизни ҳазил аралаш «Мускуллар намойиши», яъни бизнинг қандай қудратли эканлигимизни кўриб қўй» қабилидаги тадбир деб атаган эди. Буни тўйларимизда иштирок этувчи обрў-эътиборли шахслардан ва айтиладиган табрик сўзларидан илғаб олиш қийин эмас. Шу сабабдан тўйларимизнинг бошқача кўриниш касб этишига ёшлар эмас, кўпроқ ота-оналар, кексалар қарши бўлмоқдалар.

1999-2002 йилларда Тошкент Маданият институти социология кафедрасининг Бухоро давлат университети олимлари билан ҳамкорликда Бухоро вилоятида ўтказган «Тўйларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири» мавзуидаги сўров натижаларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Сўровларга аҳолининг турли қатлам вакиллари жалб этилиб, уларнинг фикрлари умумлаштирилиб ўрганилди.

Маънавият сабоқлари

*Тарих қўрғони ортида валангор деворлару синдирилган кошинлар, занглаган осори-атиқаю увоқ-увоқ кўзалар қолди, деганлар адашадилар. Бу қўрғон ортида шундай нодир мерос бордирки, у асрлар оша жаҳон маънавий тамаддуни мактабининг тамал тошини қўйган. Бугунги суҳбатимиз дунё маданиятининг икки ёрқин сиймоси ижодидаги муштарак жиҳатлар ва маъно-мазмунидаги уйғунлик хусусида.*




Комил мукаммал устозларимиздан валиюллоҳ Шоҳ Машраб (1640-1711) буюк мутафаккир шоир Мавлоно Жалолиддин Румийга (1207-1273) ихлосманд бўлиб, унинг анъаналарини давом эттирган ва бу юксак масъулиятни шараф билан уддалай олган бетакрор сўз сеҳргаридир. Маълумки, Мавлоно Жалолиддин Румий ижодиёти асрлар давомида Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккурининг мезони бўлиб келди. Ғарб мутафаккирлари Мавлоно қарашлари асосида фалсафанинг асосий қонуниятларини кашф этдиларки, бугун улар бирламчи асосни хиёл унутгандек "кашфиёт" қабилида тақдим этилмоқда. Аммо, айни пайтда гап бу хусусда эмас.

Шарқ мутафаккир шоирлари ичида биринчилардан бўлиб Шоҳ Машраб Мавлоно Жалолиддин Румийнинг буюк "Маънавий Маснавий" асари таъсирида ўзининг бетакрор тасаввуфий асари "Мабдаъи Нур" ("Нурнинг яралиши")ни яратди.

Шоҳ Машрабнинг "Нур" китоби ҳазрат Мавлононинг "Маънавий Маснавий" асари сингари жузъ ёхуд боблардан эмас, "дафтар"лардан иборат. "Маснавий" олти дафтар, "Нур"нинг бугунги мавжуд матни уч дафтар. Балки аслида олти дафтар бўлгандир, аммо буниси бизга қоронғи.

Мавлоно "Маснавий"ни узундан-узоқ ҳамд-сано ва наътлар, амиру умароларга "салламно"лар билан эмас, тўғридан-тўғри "най" мавзуси билан бошлайди:

***Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,***
***Аз жудоиҳо шикоят мекунад.***

Бутун борлиғи ҳақ нурига йўғрилган Шоҳ Машраб эса, буюк муршидининг юқоридаги байтини иқтибос тарзида келтиради ва ўша заҳоти уни зарофат билан она тилимизга ўгиради:

***Англағил, най не ҳикоятлар қилур,***
***Ким жудолиғдан шикоятлар қилур.***

Даставвал, жодубаён Машраб нечун "бишнав", яъни "тингла" ундовини аслидаги каби ўгирмади, деган хаёлга борасиз ва ногоҳ ичингиздаги алланечук қудрат эътироз билдираётганини пайқайсиз. Ахир, "тингла" сўзига нисбатан "англағил" сўзи таъсирчан ва теранроқ эмасми? "Тинглаш" бу ҳали англаш, ақл-идрок ёрдамида мушоҳада қилиш эмас-ку. Авлиё шоир буни англамаслиги мумкинмиди? Йўқ албатта. Бир неча асрлар давомида "Маснавий"ни шарҳлаган алломалар (Абдураҳмон Жомий, ҳазрат Навоий, Мавлоно Яъқуб Чархий, Исмоил Анқаравий, Вали Муҳаммад Акбарободий, Р.А.Никольсон, Бадиуззамон Фурузонфар, Абдулбоқий Гулпинорли ва бошқалар) "най" бу ориф зот тимсоли деб таъкидлаганлар ва мазкур мавзуни узундан-узоқ шарҳ этганлар. Аммо бобомиз шу биргина байтнинг ўзига салмоқли манзум бобни бағишлаганларки, у бизнинг ҳайратимизни чандон оширади:

***Най вужуди орифи биллоҳдур,***
***Чиқса найдин ҳар садо доно билур.***
***Ҳар замон найдин чиқар савту садо,***
***Бас, қулоқ солинг бариси бир нидо.***
***Кўза гарчи дарзлиқ, айби — кулол,***
***Банданинг айбини қилма, тинглаб ол.***

Шоҳ Машраб "Нур"нинг илк байтидаёқ буюк "Маснавий" қулфини очади ва "най" аслида ҳаққа етишган зот вужудининг, яъни комил инсон борлиғининг рамзидир, дейди. Бу комиллик сирини донишмандлар билишади. Зотан, комиллик шундай улуғ мақомки, унинг шуъласи кўнгилларга тушса, мунаввар бўлади. Бу вужуддан янграган садо жонларга малҳам, дилларга қувват, кўзларга нур. Аммо шу лаҳзада ям-яшил борлиқ бағрида майин таралаётган най садоси қулоғингизга оқиб кириб, жисмингиз бўйлаб вазмин таралади. У аста-секин томирларга, ундан ўтиб юракка, сўнг руҳга сингиб кетади ва ногоҳон борлиғингизни бутунлай чулғаб олади. Руҳингиз парвозга шайланади, поклик, мусаффоликлар бағрига кетгиси келади.

***Най вужуди орифи биллоҳдир.***

Аммо, най аслида ковак бир қамиш парчаси. Унинг бағри чок. Боз устига кўкси илма-тешик. Ана шу бағридоғлик ва юрак дарзларидан оққан дард туфайли нола чекади. Бироқ унинг бу қисмати ўз иродасига боғлиқ эмас. Зеро:

***Кўза гарчи дарзлик, айби— кулол,***
***Банданинг айбини қилма, тинглаб ол.***

Най қамиш бўлгани учун най эмас, балки ҳақнинг дўсти, унинг орифи — маърифатли зот бўлгани учунгина кўкси тўла дард. Ҳазрат Мавлоно "Маснавий" китобини мутолаа қилгувчилар диққатини ўзига тортиб, "айрилиқлардан шикоят қилгувчи" найга сомеъ бўлмоққа чақиради. Хўш, Мавлоно назарда тутган "айрилиқ" нимадан иборат ва бу "айрилиқ"ни Шоҳ Машраб қандай таҳқиқ этаётир. Қарийб минг йил давомида "Маснавий" муфассирлари найнинг айрилиқ нолаларини турлича талқин қилганлар ва айримлар тадқиқот жараёнида жуда узоқ кетганлар. Бир сўз билан айтганда, Одамнинг яралиш замони ҳам эътибордан четда қолмаган. Шоҳ Машраб эса "Нур" китоби ўқувчиларига ибратомуз пандлар бериб, уни ўз ҳикматлар оламига олиб киради:

***Ҳар на кишт эттинг, ўрарсан оқибат,***
***Ҳар на бад қилсанг, кўрарсан оқибат.***

Ориф шоир қуръоний далиллар воситасида нимаики эккан бўлсанг, ўшани ўрасан, ҳар нечук ёмон амал қилган бўлсанг, оқибат унинг самарасини кўрасан, дейди таъкидлаб. Худди шу нуқтада бу танбеҳнинг ориф вужуди бўлмиш найга нечоғли аҳамияти бор, деган савол туғилади. Табиийки, гап малаклар олами эмас, одам фарзандлари хусусида бормоқда. Демак, ориф ҳам одам ва унинг чеккан дард-ҳасратлари ҳам заминийдир. Хўш, ориф — най нола чекса, нимадан чекади? Шубҳасиз, олам ва одамни мукаммал кўрмоқ ҳар қандай маърифатли зотнинг асл муддаоси. Хирад аҳлига бундан бошқа нима керак? Оламни мукаммал кўрмоқ, одамларни ҳақ йўлига ҳидоят қилмоқ, дунёни болаларча соф ва беғаш танимоқ — орифнинг армони шу. Маърифатли зотнинг матлаби шу.

***Хайру шаррни он қадар таҳқиқ қил,***
***Эй, амин, олдин мани пандимни бил.***

Яхшилик ва ёмонликнинг асл мабдаъи — сарчашмасини таҳқиқ қилмасдан бурун найнинг — орифнинг маслак ва муддаосини англаш мумкин эмас. Шоҳ Машраб Мавлоно таъкидини теранроқ тавсифлаш учун оламдаги икки тазод, икки қутб, икки нур ҳақиқатини англашга чақиради. Бу қутблар — яхшилик ва ёмонлик. Най нима сабабдан нолиш қилаётганини англаб етгандирсиз.

Биз болалигимиздан зангор яйловларда, мусаффо осмон бағрида, яшил табиат қучоғида дилларни ром этгувчи най садосини эшитганмиз. Жон- жонимизга, қонқонимизга сингган илоҳий оҳанг оғушида маст бўлганмиз, ўзимиз билмаган, англамаган оламларга сайр қилганмиз. Най гарчанд айрилиқлардан, ҳасрат ва надоматлардан сўйламасин у бизни ҳақиқат ва одамият сари элтади. Най ҳарчанд ҳижрон ҳақида мунглуғ- мунглуғ нола қилмасин, у эзгулик, муҳаббат ва вафони тараннум қилади.

Шоҳ Машраб оддий қудуқда шамоллар бағрида беёд чайқалиб ётган қамишнинг қандай қилиб орифона найга айланганини маснавийшунослик тарихида илк бор манзум тилда баён қилади:

***Сийна холий қилди чоҳга ҳайдаре,***
***Чоҳга пинҳон бўлди шундоғ гавҳаре.***
***Гар тўкилди чоҳга бир қатра май,***
***Чин кўкарди, бўлди пайдо анда най.***

Чоҳ — қудуқ ичига бир ориф зотнинг назари тушгач, унинг ичида "гавҳар" пайдо бўлди, яъни қудуққа "бир қатра май" тўкилгач, ундан қамиш эмас, най кўкариб чиқди ва:

***Сирри ҳақ бўлди мунингдек ошкор,***
***Ошкоро айлади Хожатбарор.***

Демак, "қатра май" — ҳақ муждаси тушган қудуқ ичида пайдо бўлган найга олам сирлари ошкор бўлди, яъни бир тилсиз набототдан Яратгувчи қудрати билан авлиёуллоҳ дунёга келди:

***Бир шўбоне борур эрди раҳгузар,***
***Ташналик ғолиб бўлиб эрди дигар.***
***Дил дарида, руҳ рамида мард эди,***
***Зиндаликдан пок қалби сард эди...***
***Дийда очди, қилди ул чоҳга назар,***
***Саргарон эрди, кўринди бир шажар.***
***Ҳам чунон кўрди, мусаффоэрди най,***
***Нақш ўлуб, ҳар бирига Аллоҳ ҳайй.***

Қудуққа ёвуқ бир ердан ташна, кўнгли хуфтон, руҳсиз, тирикликдан кўнгли муз қотган бир чўпон ўтиб бормоқда эди. Ногоҳ унинг нигоҳи қудуққа ва қудуқ ичида ўсиб ётган қамишга тушди. Қамишларнинг ҳар бири Тангри нақши тушган найга ўхшарди. Шундай қилиб, дунёдан кўнгли совиб, зору саргардон бўлган бир чўпон — йўлчининг ҳузурида ҳақиқат акси намоён бўлди. Ҳидоят аслида шундай содир бўлади. Кўнглингизда туғила бошлаган ҳодисалар нигоҳингизда зуҳур этади. Демак, борлиқ олам билан сизнинг ўртангизда бир парда бор. Агар шу парда кўтарилса, кўзингиз кўнгилга айланади. Кўнгил нени қўмсаса, кўз уни кўради, топади. Руҳ баҳраманд бўлади:

***Қўлида бор эрди шундоқ тиғи тунд,***
***Қирқиб олди ул найидин бир бўғунд.***
***Ташна эрди, оғзига олди шўбон,***
***Бўлди пайдо мў—бамў рози ниҳон.***
***Ким эшитти жисму жондин қўл юди,***
***Тарк қилди хонумондин қўл юди.***
***Кимки бўлди ул шўбоннинг ҳамраҳи,***
***Роз эшитти, қилди у қолиб таҳи.***

Ташналаб чўпоннинг илкида кескир пичоқ бор эди. У қамишни кесиб олди ва лабларига босди. Мўъжиза содир бўлди. Най ибтидо ва интиҳо розларини сўйламакка бошлайди. Бу розларни эшитган кимсалар жондан кечдилар, хонумондан қўл ювдилар. Чўпонга ҳамроҳ бўлганларнинг руҳи "қолиб таҳи" — вужудларни тарк айлади. Мўъжизакор най дунёдан умид узиб, боши оққан томонга кетаётган чўпонни ҳақиқий ҳаётга қайтарди. Унинг нафасидан таралган овозга борлиқ олам маҳлиё бўлди, жонлар ўртанди, вужуд қўрғони дарвозалари очилиб, руҳ фалакларга парвоз қилди.

Чўпон — башар авлоди, йўл — дунё, қудуқ ва най — ҳақиқат. Дунё йўловчилари ҳақ савтидан ғофил Мутлақ ҳақиқат овозини тингламоқдан маҳрум бўлсалар ва руҳнинг моҳиятини англай олмасалар, унда йўллари йўлсизлик, манзиллари манзилсизлик, мақсад ва орзу-истаклари пуч ҳаёлга айланади.

***Эргашиб чун кейнидан ваҳшу туюр,***
***Ноласидан дашту саҳро ғарқи нур.***
***Сиғмас эрди кўҳу даштга рози ҳам,***
***Сури Исрофил эди овози ҳам.***

Олам най — ҳақиқат овозига чулғанди. Ҳайвонлар, қушлар бу садога ром, моту мабҳут бўлдилар. Осмон мусаффо, замин жонбахш шабадалар, кумуш шудринглар, муаттар гиёҳлар бўйига тўлди. Олам ва одам илоҳий гўзаллик оғушида қолди.

Тарихий-маънавий меросимизга тобора ошиб бораётган эҳтиёж асрлар ганжхонасидаги дурдоналарни топиш, кашф этиш ва ворисларга етказишни тақозо қилади. Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шоҳ Машраб каби мутафаккирлар ижодиётини теран, атрофлича тадқиқ этиш бугунги маънавий муаммоларни ҳал этишда муҳим омилдир.

**Асқар МАҲКАМ.**


# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ !



**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ўзбек халқининг қадимий байрами — Наврўзга бағишланган миллий урф-одатлар ва қадриятларни тараннум этувчи янги анъаналарни қарор топтиришга йўналтирилган ижодий ғояларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2003 йил 1 январдан 2003 йил 10 февралга қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика**

**очиқ танловини эълон қилади:**

- *Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш ғоялари учун;*
- *пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;*
- *янги яратилган мусиқа асарлари учун;*
- *байрам томошасини саҳналаштириш режаси учун;*
- *энг яхши бадиий декоратив безаш учун.*

**Танловдан мақсад:**

- **Наврўзга бағишланган бадиий дастурларнинг «Обод маҳалла» йили муносабати билан маҳаллалардаги гўзал фазилатларни, ободончилик ва тинчлик-тотувликни, миллий урф-одатлар ва қадриятларни тараннум этувчи баркамол, ёш, соғлом авлодни тарбияловчи, янги анъаналарни қарор топтиришга йўналтирилган ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш;**
- **вилоятларнинг ўзига хос бўлган санъат турлари ютуқларини ҳамда миллий урф-одатларга бой бўлган бадиий дастурларни саралаш.**

***Танлов шартлари:***

*Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари, танловда кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фольклор-этнографик хусусиятларини байрамона руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикамизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни, ислоҳотларни ва янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда кўрсатишлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Алишер Навоий номидаги мажмуаси, Ўзбекистон Миллий боғи, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.*

*Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.*

**Ғолиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида учдан икки фоиз овоз олиш орқали аниқланадилар.**
**Ҳайъат танлов эълон қилинган кундан эътиборан иш бошлайди.**
**Ҳайъат котибият белгиланган кунда йиғилиш ўтказиб, ғолибларни аниқлайди.**

**Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:**
**Ижодий гуруҳлар учун:**

**I мукофот** *400000 (тўрт юз минг) сўм* **II мукофот** *300000 ( уч юз минг) сўм*
**III мукофот** *200000 (икки юз минг) сўм*

**Якка тартибда иштирок этганлар учун:**

**I мукофот** 150000 (юз эллик минг) сўм **II мукофот** 100000 (юз минг) сўм
**III мукофот** 50000 (эллик минг) сўм



**I мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.**

**Танлов муассислари:**
**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги**
**«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси**
**«Ўзтелерадио» компанияси**
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Ёзувчилар уюшмаси**
**Бастакорлар уюшмаси**
**Бадиий академия**
**«Наврўз» Халқаро жамғармаси**

**Танлов иштирокчилари 2003 йил 10 февралга қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: 700129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, Маданият ишлари вазирлиги.**

**Телефон: 144-63-73.**

**Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!**

**«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.




Фарзанд — ҳаётимиз мазмуни. Зеро, мамлакатимизда аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашга катта эътибор бериб келинмоқда. 1995 йили ташкил этилган Тошкент шаҳар перинатал маркази ана шу ғамхўрликнинг бир мисолидир. 250 ўринли марказ бир неча йилдирки, перинатал хасталикни камайтириш, туғиш ёшидаги аёлларга, она ва болага юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Сиз юқорида кўриб турганингиз ана шу марказ раҳбари Марям Содиқова (ўртада), шифокорлар Алла Литвиновская, Дилором Нуриддинова ҳамда Жамила Иноғомовалар билан.

**Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

«Умид ниҳоллари»

# Чақнаётган юлдузлар

Беғуборлик, бокиралик, гўзаллик ўйинлари сифатида эътироф этилаётган «Умид ниҳоллари» ўйинлари тобора оммавийлашиб бормоқда. Ўтган йили мактаб ўқувчиларининг баҳсларига мезбонлик қилган Фарғона вилоятида ана шу мусобақалар йил давомида босқичма-босқич ўтказиб келинмоқда.

Мусобақаларнинг илк босқичида, яъни 1-4 синф ўқувчилари спортнинг 6 тури бўйича баҳс бойлашди. 275 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди. 5-7- синфлар ўртасидаги мусобақаларга эса яна спортнинг уч тури бўйича ўйинлар қўшилиб, 170 мингга яқин ўқувчилар спорт майдонларида, сузиш ҳавзаларида, теннис кортларида маҳоратларини намойиш этдилар.

Қишки таътил кунлари эса вилоятдаги барча мактаб ўқувчиларининг нигоҳи Қирғулидаги «Кимёгар» спорт саройига қаратилди, Бу муҳташам спорт қароргоҳида мусобақаларнинг вилоят миқёсидаги финал босқичи қизғин, муросасиз курашлар остида ўтди.

Илгариги мусобақаларда совринли ўринлар асосан шаҳар мактабларига насиб қилган бўлса, бу гал қишлоқ мактабларининг ўқувчилари ҳам нималарга қодир эканликларини амалда исботладилар. Маълумки, фарғонача кураш бўйича нафақат водийда, балки мамлакатимизда ҳам бағдодлик, яйпанлик полвонларнинг елкасини ерга теккизадиганлар кам топилган. Рустам полвон, Шермат полвонларнинг неваралари, эваралари боболари анъаналарига содиқ қолишди. Вазнлар бўйича Бағдод ва Ўзбекистон тумани ўқувчилари тўплаган очколар тенг келиб қолди. Ҳар икки туман шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Волейбол мусобақаларида ҳам ўзбекистонликлар олдига тушадигани топилмади. Туманнинг қизлар, ўсмирлар жамоаси ҳам «чемпион» деган номга сазовор бўлди. Баскетбол мусобақаларида қувалик ўсмирларнинг қўли баланд келган бўлса, қизларнинг ўзаро баҳсида ғолиблик тошлоқлик санамларга насиб қилди. Миллий кураш мусобақаларида ҳам қувалик ўсмирлар рақибларига нисбатан чапдастроқ эканликларини исботладилар. Стол теннис мусобақаларида мезбонлар — Қирғули тумани ўқувчилари тенгдошларига деярли имкониятни беришмаган бўлса, шахмат баҳсларида бағдодлик «ёш гроссмейстрлар» пешқадам бўлишди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республика ёш томошабинлар театрининг собиқ раҳбари
**Шакархон БУРҲОНОВА**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги жамоаси Тошкент бўлими бошлиғи Аббосхон Ниматуллаевга падари бузруквори
**Джапархон ота**
**НИМАТУЛЛАЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси кафедра мудири, Гулмира Туленовага отаси ЎзФА академиги
**Жондор ТУЛЕНОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси институт аналитик кимё кафедраси доценти
**Зокиржон СОБИРОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарма раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Усмоновга волидаи муҳтарамаси
**ХОСИЯТХОН ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ



**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**



**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 71,
33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Б. ЭГАМҚУЛОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21. 00.*
1 2 3 4 5 6